Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
2-fevral,
seshanba,
№ 14
(3675)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Фахр

Ҳар кунимиз эзгуликка йўғрилсин

Коллежимиз янги очилган кезлари қизлар бармоқ билан санарли эди. Бугун эса аҳвол тубдан ўзгарди. Кўплаб ўқувчиларимиз юқори натижалари билан нафақат республика, балки қитъада ўз сўзини айтмоқда. Масалан, кураш бўйича бир неча бор мамлакат чемпиони, Осиё чемпионати ғолиби Гўзал Раҳмонова 2015 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилди. Гўзал оддий қишлоқ қизи. Салим Жўраев номидаги хўжалик ҳудудидаги Халқаобод қишлоғидан. Таэквондо бўйича мураббийимиз Дилафрўз Усмонова Зарбдордан. Яна бир чемпион қизимиз Гулрухсор Саидолимова миллий терма жамоа аъзоси...

Бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин. Қувончлиси, жорий ўқув йилидан бошлаб коллежимизда аёллар футболи ва қўл тўпи (хотин-қизлар) бўйича гуруҳлар очилди. Ҳилола Очилова футбол бўйича, Шоҳиста Хушвақтова қўл тўпи бўйича спортсевар қизларга сабоқ бермоқда.

Коллежимизда таҳсил олаётган 946 нафар ўқувчининг 616 нафари қизлардир.

Юртимизда таълим йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшлар камолоти ва миллат саломатлигига уйғун тарзда хизмат қилаётганини кўриш мумкин.

Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини эслайлик: *«Ҳозирги кунда юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, энг муҳташам, энг кўркам бинолар, бу мактаблар, лицей ва коллежлар, маданият, санъат ва спорт масканлари эмасми? Илгари бундай иншоотлар қаерда эди?»*

Бу фикрлар менга илҳом бахш этади, ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди. Иш жойимда, маҳалла-кўйда, оиламда юрт ривожи йўлида барчани фаолликка, бефарқ бўлмасликка чақираман.

Шукр, фарзандларим яратилган шароитлардан фойдаланишаётир. Қизим Ситорахон Низомий номидаги педагогика университетида грант асосида таҳсил оляпти. У ҳозиргача Германия, Италия, Франция, Швейцария давлатларида билимини ошириб келди. Ўзим эса 2009 йилда «Йил аёли» кўрик-танловида совриндор бўлдим...

Дилим фахр ва ғурурдан куч олади. Истагим, Соғлом она ва бола йилида ҳар биримиз миллат равнақи, унинг эртаси учун эзгу ишларга бош қўшайлик, юксак марраларни кўзлаб яшайлик!

Саодат БОЙҚОБИЛОВА,
Чирокчи спорт-педагогика коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Қулай имкониятлар — тараққиёт омили

Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги “Lens textile invest” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган турли трикотаж маҳсулотлари юқори сифати ва ўзига хос дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, барқарор ишлаши учун зарур имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётгани ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатини янада оширишда юксак самаралар бермоқда. “Lens textile invest” корхонасида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. 2015 йилда бозорга 1 миллиард 200 миллион сўмлик 700 минг донадан зиёд трикотаж маҳсулотлари чиқарилди.

2012 йилда ташкил этилган корхонага инвестиция киритиш шарти билан шаҳар ҳудудидаги фойдаланилмай турган собиқ “Фотон” ишлаб чиқариш корхонасининг биноси нол қийматда берилди. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Хонобод филиалидан олинган 500 миллион сўм кредит ва жамиятнинг айланма маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 680 миллион сўм ҳамда 240 минг доллар миқдорида инвестиция киритилди. Бино реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Хориждан компютерлашган махсус дастур асосида ишловчи замонавий тикув ва тўқув дастгоҳлари келтириб ўрнатилди. 200 нафар ишчи билан фаолият бошлаган корхонада бир неча турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Интилиш, изланиш бор жойда, шубҳасиз, юксалиш бўлади. Корхона фаолиятининг дастлабки давриданоқ қатъий тартиб асосида иш олиб борилди, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, корхона маҳсулотларига бўлган талаб ортди, ички бозордан мустаҳкам ўрин эгаллади. Шунга яраша ишчи-хизматчиларнинг даромади ҳам ошди.

Ўтган йилларда янги тикув, тўқув ва матога гул босадиган замонавий дастгоҳлар келтириб, ишга туширилди. Айни пайтда корхонанинг тўқув, тикув, бўёқ, гул босиш, дазмоллаш, қадоқлаш участкаларида 300 дан зиёд дастгоҳ ишлаб турибди. Махсус иситиш, ҳаво тозалаш тизимлари ўрнатилгани қишин-ёзин бино ичида ҳаво ҳарорати мўътадиллигини таъминлайди.

Корхона турли савдо кўргазма ва ярмаркаларида, “Ташаббус” кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

(2).

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ 2016 ЙИЛДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

- Меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш, фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- **Ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш;**
- Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишга, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ташкил қилиш;
- **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳада меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишларини йўлга қўйиш;**
- Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг оширилишига, ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштиришнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этишга кўмаклашиш;
- **«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурининг ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиш;**
- Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, меҳнаткашлар маънавиятини юксалтиришга кўмаклашиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш;
- **Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш ҳамда бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш;**
- Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни тизимли равишда давом эттириш;
- **Касаба уюшмалари тизимида ахборот ишларини тубдан яхшилаш, жамоатчилик билан алоқаларни янада ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш.**

Аёл, оила ва жамият

Болага эътибор

бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланади

Аёл дунёдан яхшилик қидириб, жондан азиз фарзандларининг бахти, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди. Шу боис аёлнинг оёғи етган ерда яратувчилик меҳнати жўш уради. Озодалик, поклик, саранжом-саришталик ҳукм суради. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”. «DAEWOO textile Fergana» МЧЖда аёлларга яратилган шароитлар билан танишар эканмиз, оилаларимиз файзи бўлган ёш оналарга алоҳида эътибор қаратилаётганидан бошимиз осмонга етди. Корхонада пахта хом ашёсидан калава ип ва мато ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг 90 фоизи чет элга экспорт қилинади.

(2).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ёш олимлар анжумани

Термиз давлат университетида Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида “Ёш олимлар конференцияси – 2016” республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходимлари, амалиётчи-тадқиқотчилар, магистр ва талабалар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва халқ таълими муассасалари ўқитувчилари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини юксалтириш, иқтидорли, изланувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ёш авлод камолотига қаратилаётган бундай ғамхўрлик ўғил-қизларимизда Ватан тинчлиги ва юрт равнақига масъуллик туйғусини мустаҳкамлаб, уларни янги марралар сари интилишга ундаётир. Мустақиллик йилларида тубдан янгиланиб, замонавий қиёфада қад ростлаган Термиз давлат университети фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Сурхондарё вилоятидаги ягона олий таълим муассасасида замонавий ўқув корпуслари ва бошқа иншоотлар қурилиб, жаҳон андозаларига мос жиҳозланаётир. Мавжуд бинолар реконструкция қилинмоқда. Мультимедиа ва компютер воситалари билан жиҳозланган кенг, шинам аудиториялар, лингафон ва лаборатория хоналари, 169 минг китоб фондига эга замонавий ахборот-ресурс маркази, спорт ва бошқа иншоотлар ёшларнинг етук мутахассис бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда.

— Навқирон авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштириши учун яратилаётган шароитлар уларнинг иқтидор ва салоҳиятини намоён этишига кенг йўл очмоқда, — дейди Термиз давлат университети ёш олимлар кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди Маҳмуд Гадайшоев. — Ана шундай эзгу мақсадда изланиш олиб бораётган кўплаб ёшларимиз ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанларда салмоқли ютуқларга эришаётир. Бунинг самарасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришда интеграция жараёнлари чуқурлашиб, юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

(2).

Режа аниқ, ишлар амалий бўлса >> 2

Селфи: касалликми ёки такаббурлик? >> 3

Эртаклар оламига саёҳат >> 4

Раёсат йиғилиши

Режа аниқ, ишлар амалий бўлса

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшмасининг 2015 йил давомидаги фаолияти якунлари ҳамда мамлакатимизни 2016 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари VII Курултойидан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Йиғилишни тармоқ Республика кенгаши раиси Ўктам Турғунов олиб борди.

Эътироф этилганидек, тармоқ томонидан меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, бандлик ҳамда ишчи-хизматчиларнинг маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси юзасидан 50 дан зиёд таклифлар тақдим этилди. «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар таркибида касаба уюшма мутахассисларининг фаол қатнашиши таъминланди.

Иш ўринларини шаҳодатлаш ҳамда ишчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши устидан жамоатчилик асосида сайланган вакиллар назорати кучайтирилди. Жойларда меҳнат муҳофазаси юзасидан 2204 та меъёрий талаблар бузилганлиги аниқланиб, аксарияти иш берувчилар билан ҳамкорликда бартараф этилди.

Олиб борилган тарғибот-ташвиқот натижасида қарийб 1046 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 38 минг нафардан зиёд ходим аъзоликка жалб этилди. Янги тузилган бошланғич ташкилотларда жамоа шартномалари имзоланиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати таъминланди.

Қайд этиб ўтилганидек, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилди. 12,394 нафар кекса, ногирон ва тармоқ корхоналарида узоқ йиллар давомида ишлаб пенсияга чиққанлар моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватланди.

«Касаба уюшмалари — болаларга», «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акциялари доирасида «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатларга қимматбаҳо совғалар топширилди, самарали фаолият кўрсатаётган илғор хотин-қизлар эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида 385 нафар фахрий санаторийларда бепул соғломлаштирилди.

Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми ҳам уюшқоқлик билан ўтказилиб, 9 та оромгоҳда жами 8403 нафар бола, шундан 420 нафари имтиёзли, 854 нафари эса бепул дам олдирилди.

Шу билан бирга, раёсат йиғилишида мавжуд камчиликлар тилга олиниб, фойдаланилмаётган имкониятларга эътибор қаратилди. Жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш сифати талаб даражасида эмаслиги ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларга кўмаклашиш борасидаги ишларга алоҳида ёндашув зарурлиги таъкидланди.

Тармоқ Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов, «Тошшаҳартрансхизмат» АК касаба уюшма қўмитаси раиси Фарҳод Ниғмонов, Наманган вилоят тармоқ бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Султонов, «Оҳангароншифер» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Озод Хушназаров ва бошқалар сўзга чиқиб, фаолиятни бундан-да яхшилаш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда тизимдаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва фаолиятни такомиллаштиришдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ фаоллар рағбатлантирилди.

Раёсат йиғилишида кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёш олимлар анжумани

(1).

Конференцияда мамлакатимиздаги 40 дан ортиқ таълим муассасасида фаолият юритаётган ёш илмий тадқиқотчилар ўзбек, рус, инглиз, немис ва бошқа тилларда ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанларга оид 2 мингга яқин назарий ҳамда амалий тавсияларга эга материаллари билан иштирок этди. Уларда Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш орқали юқори кўрсаткичларга эришиш, инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётимизни модернизация қилиш йўллари, аҳоли бандлигини ошириш истиқболларига кенг ўрин берилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинган. Таълим-тарбия жараёнларини янада ривожлантириш юзасидан назарий ва амалий тавсиялар ёритилган. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқаролик масъулиятини ошириш борасидаги изчил ислоҳотлар кенг ўрганилиб, амалий аҳамиятга молик фикрлар илгари сурилган. Глобаллашув даврида миллий ва умуминсоний қадриятлар, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, бой тарихимиз ва миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида тўпланган қизиқарли манбалар ва бошқа мавзуларга алоҳида эътибор қаратилган.

— Бугунги илмий анжуманда "Сўфи Оллоёр шогирдлари" деб номланган маърузам билан иштирок этдим, — дейди Самарқанд вилоятидаги Тайлоқ иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари, ёш тарихчи-тадқиқотчи Меҳрожиддин Омонов. — Ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида шоир ҳаёти ва ижодининг янги қирраларини очиш, қадимги устоз–шогирд анъаналарини чуқур таҳлил қилишга интилаяпман. Анжуман айниқса, биз, ёш тадқиқотчилар учун жуда фойдали бўлди. Турли мавзуларда ўзаро фикр алмашиш, илмий баҳс-мунозарага киришиш имконини берди.

Илмий-амалий анжуманнинг ялпи ва шўъба йиғилишларида ёш олимлар олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари юзасидан фикр алмашилди, соҳалардаги ютуқ ва муаммолар атрофлича таҳлил қилинди, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

Ўқув

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компанияси ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2014 — 2016 йиллар учун тузилган тармоқ келишувида корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, ходимларнинг ишлаб чиқаришда жароҳатланиши ва касб касалликларининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Кун тартибида: меҳнат муҳофазаси

Уларни ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида тармоқ Республика кенгаши ва «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ҳудудларда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Навоий шаҳридаги «Бахт текстил» МЧЖ қўшма корхонасида ташкил этилди. Ўқув-семинарда тармоқ туман кенгашлари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, меҳнат муҳофазаси муҳандислари қатнашди. Иштирокчиларга меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг электрон нусхалари тарқатилди.

Йиғилишда корхоналарда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш соҳасидаги талаблар, бу бўйича йўриқнома ва ўқишларни ўтказиш, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида бу бўйича битим тузиш ва тасдиқлаш, иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш тартиби тўғрисида ҳам батафсил тушунча берилди.

Ўқув-семинардан сўнг иштирокчилар «Бахт текстил» МЧЖ қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Абдумалик АКБАРОВ,
тармоқ Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

Қулай имкониятлар — тараққиёт омили

(1).

— Президентимиз раҳнамолигида янги саноат корхоналари ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш, умуман, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Lens textile invest" масъулияти чекланган жамияти директори Иномжон Раҳимов. — Корхонамизда болалар, аёллар кийимлари, футболкалар, умуман, 200 дан зиёд турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, жумладан, 600 минг долларлик волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, катта тенис ва бошқа спорт либослари тайёрлашни йўлга қўйишни ҳам режалаштирганмиз. Маҳсулотимизни экспортга чиқариш устида иш бошлаб юборилган.

Корхонада меҳнат қилаётган 280 ишчи-ходимнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир. Уларнинг самарали ишлаши учун барча шароит муҳайё. Ишчилар махсус кийимлар, транспорт хизмати билан таъминланган, замонавий дам олиш ҳамда тиббиёт хоналари ташкил этилган.

Корхонада касб-ҳунар коллежлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Амалиёт жараёнида ишни пухта ўзлаштирган ёшлар билан меҳнат шартномаси тузилади. Ўтган йили 24 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилингани сўзимиз исботидир.

— Ишлаб чиқариш амалиёти давомида замонавий тикув дастгоҳларида ишлашни пухта ўзлаштирдим, — дейди Хонобод сервис ва ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Меҳринисо Ўринбоева. — Ўқишни битиргач, тикув цехига ишга қабул қилиндим. Мана шундай замонавий корхонада ишлаётганимдан хурсандман.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЎзА фотомухбири Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ олган суратлар.

Маънавият соати

Бурчга садоқат

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилоятидаги фаоллари ташаббуси билан «Маънавият соати» ташкил қилинди. Унда тармоқ тасарруфидаги касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирок этди.

Тадбирда Урганч давлат университети доценти О.Абдуллаев ва катта ўқитувчи А.Худойберганов маруза қилиб, бугунги дориламон кунларга осонлик билан эришилмагани, истиқлолнинг илк йилларидан олиб борилган оқилона сиёсат бугун ўз мевасини бераётганлигини жонли мисоллар орқали таъкидлаб ўтишди. Шукроналик ҳисси билан яшаш, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигига алоҳида урғу берилди.

— Кенг кўламдаги ислоҳотларнинг аҳамиятини халқимизга, айниқса, ёшларга атрофлича етказиб беришда меҳнат жамоаларида ташкил қилинаётган «Маънавият соатлари»нинг аҳамияти катта, — дейди Тармоқ Республика кенгашининг Хоразм вилоятидаги масъул ташкилотчиси М.Раҳимова. — Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшлар маънавиятини шакллантиришда касаба уюшмалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг мустаҳкам ҳамкорлиги муҳим саналади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

***

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам «Маънавият соати» ташкил этилди.

Унда, мамлакатимизда ижтимоий соҳалар — таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тизимини ривожлантириш, жамиятимизда аёллар, ёшларга янада қулай имкониятлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар эътироф этилди.

Очиқ ва жонли мулоқот иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Болага эътибор

бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланади

(1).

«DAEWOO textile Fergana» МЧЖнинг Фарғона, Тошлоқ, Қумтепа фабрикаларида 3454 нафар ходим меҳнат қилади, уларнинг 2193 нафари хотин-қизлардир.

Корхонада имзоланган жамоа шартномасига "Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар" бўлими киритилган бўлиб, унинг ижросига жиддий ёндашилмоқда.

— Соғлом она ва бола йили бу борадаги ишларимизни янада такомиллаштиришимизни тақозо этади, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Г.Юсупова. — Соғлом фарзандни дунёга келтириш учун аёлнинг ўзи соғлом бўлиши керак. Шуни ҳисобга олиб корхонамизда ишловчи ҳар бир хотин-қизнинг меҳнат қилиши, дам олиши учун барча шароит яратилган.

Жамият томонидан хотин-қизларнинг иш билан мунтазам бандлигини таъминлаш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Маъмурият касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда нафақат иш ўринларини сақлаб қолиш, балки аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда.

Фарғона туманининг Аввал, Водил, Чимён қишлоқлари, Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Олтиариқ, Тошлоқ, Қуштепа, Қува туманларига транспорт қатновининг қўшимча янги йўналишлари ташкил этилиб, аҳолининг ишга қатнаши учун қулайлик яратилди. Ўтган йилда ходимларнинг ойлик маоши 22 фоизга оширилди. Хотин-қизлар иш жойлари хавфсизлигини таъминлаш, шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош билан таъминланиши мунтазам назоратда. Касаба уюшмаси меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни тузишда қатнашаётгани муаммолар ечимида қўл келаяпти. Шу боис корхонада сўнгги йилларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланиш содир бўлмади.

Корхонада ювиниш ва гигиена хоналари, тиббиёт бўлими, ошхона мавжуд. Ҳар бир ходим бепул транспорт хизматидан фойдаланмоқда. Ушбу мақсадга 23 та автобус жалб этилган.

Хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида мунтазам равишда спорт тадбирлари ўтказилаётир. Ўтган йил Фарғона шаҳридаги «Нефтчи» ўйингоҳида корхона ходимлари учун анъанавий-оммавий «Спорт байрами» уюштирилди. Ишчи-ходимлар спортнинг 9 тури бўйича ўзаро мусобақалашди. Барча ходимлар учун спорт кийимлари, ғолибларга совғалар харид қилинди.

Корхонада аёлларнинг баракали меҳнат қилиши учун барча қулайлик яратилган. Боз устига, хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун дам олиш уйлари ва сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилмоқда. 2015 йилда ходимлар 182 та бепул йўлланма билан таъминланди.

Корхонада музей ташкил этилган. Ҳар ҳафта жума куни цех ва бўлимларда "Маънавият соатлари" ва ўқув машғулотлари ўтказилади.

Ўтган йилнинг 2-6 ноябр кунлари Жанубий Кореядан келган "Vision Kare" мутахассислари иштирокида Фарғона вилоят кўз касалликлари диспансерида «Оламни ёрқинроқ кўринг!» хайрия акцияси ўтказилди. 1090 нафар бемор кўрикдан ўтказилиб, 120 нафарига жарроҳлик ёрдами кўрсатилди.

Ҳар ойнинг охирги сешанба куни барча цех ва бўлимлардан сайланган вакиллар компания президенти ҳузуридаги йиғилишда иштирок этиб, мавжуд муаммолар ҳақида ўз фикрларини билдириш имконига эга бўлади. Ўтган йилда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган "Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг Республика босқичида корхона хотин-қизлар ташкилоти ғолиб топилиб, 1-даражали диплом билан тақдирланди.

— Болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланади, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Г.Юсупова. — Янги йилнинг моҳиятидан келиб чиқиб, ҳомиладор аёлларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтираяпмиз. Қолаверса, корхонада ишлаётган қизлар — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб ҳаётга, оила муҳитига кириб боришлари диққат марказимизда. Айниқса, коллежни битириб келган қизларнинг касбини мукаммал эгаллаши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши, жамиятнинг фаол аъзосига айланишига кўмаклашишни зиммамиздаги энг масъулиятли вазифа сифатида қараяпмиз. Чунки бу саъй-ҳаракатлар нафақат кадрларимиз салоҳиятини белгилаш, балки эртага қизларимиз қурадиган оила мустаҳкамлигини таъминлайди.

Корхонада амалга оширилган бу каби хайрли ишларни кўриб, аёлга эътибор оилага, жамиятга эътибор эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Маҳмуда МУРЗАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши аъзоси

Долзарб мавзу

Селфи: касалликми ёки такаббурлик?



Олдинда бораётган машина ҳайдовчиси маст одамдек рулни бошқара бошлаганида, юрагимга ғулғула тушди. Эҳтиёт шарт тезликни пасайтирдим. Худди шу пайт бояги улов кескин бурилиб, йўл четидаги тўсиққа урилди. Орқадан келаётган машина эгасига, айниқса, жабр бўлди. У ҳам бошқа машинага тўқнашиб кетди. Бир зумда содир бўлган фалокат кўпчиликни шошириб қўйди. Учта пачоқланган улов ёнида бир зумда тумонат одам йиғилди. Кимдир ЙҲҲ ходимига қўнғироқ қила бошлади. Ёши каттароқ икки одам автоулов ичидагиларни тортиб чиқаришга шошилди. Во ажаб, бу яна нимаси? Бахтсизлик содир бўлган жойга йиғилган ёшлар қўл телефонларига ўзларини суратга тушира бошладилар. Уларга яна уч-тўртта йигит ва қиз қўшилди. Нима бу, ахлоқсизликми ёки тарбиясизлик? Ёки воқеа содир бўлган жойни ўз кўзи билан кўрганлиги учун исботми?

Бугунги кунда бутун дунёни яшин тезлигида қамраб олган селфизм ёки селфоманияни руҳшунослар гиёҳвандлик сингари инсон онги ва руҳиятини парчалайдиган касаллик сирасига киритишмоқда. Фан-техника ривожи, хусусан, уяли алоқа телефонлари техник имкониятларнинг кучайтирилиши, яъни уларга ойна сифатида ўзини кўриш ва суратга олиш мумкин бўлган функциянинг киритилиши селфоманиянинг ("selfie" сўзи инглизча "self"дан олинган бўлиб, "ўзини ўзи" деган маънони англатади) келиб чиқишига сабаб бўлди. Селфи автопортретнинг бир тури бўлиб, ўзини ойна ёрдамида камерага суратга тушириш демакдир. Ушбу атама 2000 йилнинг бошларида истеъмолга кириб келди.

ОРТГА ҚАЙТИБ...

Селфи XXI асрда пайдо бўлди, деб ўйлаганлар янгилишадилар. Тарихий манбаларда қайд этилишича, сақланиб қолган илк автофотопортрет Роберт Корнелиусга тегишли бўлиб, 1839 йили олинган. Ўша пайтлари суратчилик эндигина ривожланаётган бўлиб, Корнелиус айнан шу йўл билан фотоаппарат қувватини синаб кўрган. Яна бир автофотопортрет Николай II нинг қизи Анастасия Николаевнага тегишли бўлиб, 1914 йили 13 ёшида у ойна орқали ўзини Kodak Brownie фотоаппарати орқали суратга туширган. Фотоавтопортретлар 1900 йилда машҳур Kodak фирмаси ўз фотоаппаратларини ишлаб чиқарганидан сўнг янада авж олди. Ҳар бир камера штативга эга бўлиб, уни ўрнатиш ва суратга олиш маълум маҳоратни талаб қиларди. 1920 йилда Лондон кўчаларининг бирида уч нафар жентелменнинг каттагина фотаппаратни ушлаб, ўзларини суратга тушираётган расмлари сақланиб қолган.

Илк маротаба "selfie" сўзи 2002 йилда Австралиянинг ABC Online интернет-форумида қўлланган. 2005 йилда ушбу атамага фотограф Жим Краузе ўз фикрларини билдиради. 2000 йилларнинг бошларида селфилар асосан MySpacega қўйилган бўлиб, уни «MySpace pic» деб аташарди. 2006 йилдан бошлаб Facebook, Instagram, Одноклассники, Vkontakte каби ижтимоий тармоқлар аудиториясининг кенгайиши селфиларнинг айнан ижтимоий тармоқларга кўчишини тезлаштирди. 2010 йилда уяли алоқа телефонларига янги иловаларнинг ўрнатилиши селфоманияни келтириб чиқарди.

ЁЛҒИЗЛИКДАН КАСАЛЛИККАЧА

Руҳшуносларнинг фикрича, селфомания руҳий касалликнинг бошланғич босқичидир.

— Аксарият ҳолларда бошқалар томонидан инсонни тушунмаслик, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш, яқин инсонлар ва танишлар ўртасида ўзининг борлиги ҳақида эслатиб туриш селфи қилишнинг асосий сабабларидан биридир, — дейди руҳшунос З.Шаропова. — Инсон ижтимоий шахс сифатида доимий равишда бошқалардан ажралиб туришга интилади. Буни турли йўллар билан амалга ошириш мумкин. Уяли алоқа телефонлари, турли хил айпод ва айфонларнинг пайдо бўлиши янги имкониятни вужудга келтирди. Аслида, кунига одам ўзини 5 маротабадан кўпроқ суратга тушириб, бошқаларга кўрсатиши, хусусан, ижтимоий тармоқларга жойлаштириши — селфизм касаллигининг бошланаётгани ва инсон руҳиятида салбий ўзгаришлар содир бўлаётганидан дарак беради. Бунинг давоси борми? Албатта, бор. Яъни камроқ суратга тушиш учун ўз-ўзини назорат қилишни кучайтириш, ҳеч бўлмаса, дўстларинг ва яқинларинг билан суратга тушиш ва улар билан кўпроқ мулоқот қилиш зарур.

Агарда бошланғич босқичда селфи ёшлар ўртасида оммалашган бўлса, сўнгги йилларда катта ёшдагилар орасида ҳам кенг тарқалаётганини кузатиш мумкин. Буни машҳур одамлар бошлаб берди, десак, муболаға бўлмайди. Масалан, Рим папаси Франциск Ватиканга ташриф буюрувчилар билан суратга тушиб, уларни ўз интернет саҳифасига деярли ҳар куни қўяди. Ёки ўзбек актёрлари ўртасида ҳам селфизм тарқалгани кўзга ташланади. Уларнинг Facebook ва Instagramдаги саҳифалари турли жойларда туширилган селфилар билан бойимоқда.

2012 йили «Time» журнали «selfie» бутун дунёда энг кўп ишлатиладиган сўзлар сирасига кирганини қайд этди. Турли мамлакатларда олиб борилган сўровларга кўра, 2015 йилда 75 фоиз селфи-суратлар 8 ёшдан 32 ёшгача бўлган инсонлар томонидан туширилиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган.

2013 йилда «selfie» Оксфорд онлайн-луғатига киритилди.

РЕЛФИ НИМА?

Селфининг яна бир кўриниши бўлган релфи секинлик билан бўлса-да тилимизга кириб келмоқда. Релфи сўзи ҳам инглиз тилидаги «relfie», яъни «relationship selfie» сўзидан олинган бўлиб, қариндош, муносабат маъносидан келиб чиқиб, яхши кўрган одам билан биргаликда селфига тушишни англатади. Гарвард университети социологлари томонидан олиб борилган сўровларда ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларига релфи бошқа суратларга нисбатан ёқмаслиги маълум бўлди. Нега? Ҳозирча бу номаълум.

ОҚИБАТ

Бугунги кунда селфини ёқтирувчилар бошқаларни янада ҳайратга солиш мақсадида ҳаёт учун хавфли бўлган жойларда суратга тушишмоқда. Аксарият ҳолатларда бундай «мардлик» ўлим билан тугамоқда. Mashable сайтининг хабар беришича, 2015 йилнинг сентябр ойида 12 киши селфи суратга тушаётиб ҳалок бўлган. Сўнгги пайтлар интернетда айнан селфи оқибатида ҳаётдан кўз юмган инсонларнинг суратлари тез-тез чоп этиляпти. Масалан, 2015 йилнинг май ойида руминиялик 18 ёшли Анна Урсу ва унинг дўсти Ясса шаҳридаги темир йўл вокзалидаги поезд томига чиқиб, бошда турган ҳолда суратга тушмоқчи бўлади. Оёқлари беҳосдан 27 000 волт қувватга эга электр симига тегиб, қиз касалхонада ҳаётдан кўз юмади. 2014 йилда эса Полша тиббиёт билим юртининг 23 ёшли талабаси Испаниянинг машҳур Пуэнте-де-Триана кўпригида суратга тушиш учун тўсиқдан ўтиб, унинг четида туради. Ўзини суратга тушираётганида оёғи тойиб, пастга қулаб вафот этади. 26 ёшли Колетт Морено эса автомобил рулини бошқариб бораётиб, ёнидаги дугонаси билан суратга тушмоқчи бўлади. Йўлга эмас, смартфонга қараган ҳайдовчи рўпарадан келаётган автомобилни кўрмай қолади ва автоҳалокат оқибатида ҳаётдан кўз юмади. 18 ёшли Оскар Рейес 2015 йилнинг 2 январида Губка Боб костюмида селфи суратга тушиб, уни Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасига жойлайди. Сурат 200 дан ортиқ лайк тўплайди. Бундан руҳланган йигитча ювиниш хонаси эшигига оёқлари билан осилиб, суратга тушаётганида боши билан ерга қулаб тушади ва қон йўқотиш натижасида ўз умрига зомин бўлади. 2014 йилнинг август ойида полшалик ёш оила дам олгани Португалияга боришади. Эр-хотин денгиз бўйидаги Кабо да Рока жарлигида селфи суратга тушаётганида тойиб пастга қулайди. Ота-онасининг даҳшатли ҳалокати уларнинг 5 ва 6 ёшли икки фарзанди кўз ўнгида юз беради. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳалок бўлмаса-да селфига тушиб жароҳатланганлар ҳам истаганча топилади. Бундай фожиаларнинг олдини олиш, ўз фуқароларини огоҳлантириш мақсадида Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги ўтган йили инсон ҳаёти учун хатарли жойларда селфига тушишнинг хавфи хусусида махсус эслатма чоп этди. АҚШнинг Калифорния штатида эса селфига тушиш оқибатида ўсмирлар ва болалар ўртасида педикулёз (битлаш) касаллиги авж олаётганлиги қайд этилди. Шунингдек, ота-оналарга уларнинг фарзандлари бошини бошига қўйиб суратга тушаётганида, битта битлаган бола бир нечта тенгдошига уларни юқтириши мумкинлиги хусусида огоҳлантириш бера бошланди.

МАНМАНЛИКДАН АХЛОҚСИЗЛИККАЧА

Нигора Солиева, 57 ёш:

— Селфига тушишни, аввало, такаббурлик деб биламан. Бугунги кунда ёшларимиз ёнида катталар бор-йўқлигига қарамай суратга тушишади. Ҳаттоки, ички кийимларда, турли хил қилиқлар қилиб селфига тушиш ҳолатлари қизларимиз ўртасида ҳам кузатилмоқда. Уларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш беҳаёликдан бошқа нарса эмас.

Равшан Жовлиев, 24 ёш:

— Селфига тушишни ёқтираман. Айниқса, тоққа чиққанда ёки турли хил тадбирларда. Шу орқали узоқдаги дўстларимни ўз ҳаётим хусусида хабардор қилиб тураман.

Рухшона Маматова, 15 ёш:

— Кўп селфи оламан ва Telegram орқали синфдошларимга жўнатаман. Бу менга жуда ёқади. Биз ўртоқларим билан шу орқали мулоқот қиламиз.

Инсон бугун қаерда бўлгани, нима иш қилганини акс эттириш мақсадида ўзини эсдалик учун суратга олиши, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини фотога муҳрлашга интилиши тушунарлидир. Аммо дафн маросимлари, автоҳалокатлар пайтида, ёнғин ёки бошқа табиий ёхуд техноген ҳодиса рўй берганда жабрланганларга кўмакка шошилиш, йиқилиб қолган қарияга ёрдам бериш ўрнига уларнинг ёнида ёки фонида суратга тушиш ахлоқсизлик ва маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас. Бугун оммавий ахборот воситаларида, таълим муассасаларида ахлоқ мавзусида олиб борилаётган тадбирлар, очиқ дарслар, ахборот соатларида селфининг моҳияти ва у билан боғлиқ ахлоқий қоидалар хусусида сўз юритиш мақсадга мувофиқ. Бу фарзандларимизнинг маънавиятли бўлиб вояга етиши учун хизмат қиладиган омиллардан биридир.

Наргис ҚОСИМОВА

Тадбиркор ва замон

Юрагида чўғи бор

Орамизда шундай инсонлар борки, шижоати, амалга ошираётган ишлари билан кишини мафтун қилади.

Марғилонлик «Достонбек» оилавий хусусий фирмаси раҳбари Мавлуда Кенжабоева ана шундайлардан. Дастлаб, 2007 йилда ташландиқ ерда «Қишлоқ қурилиш банки»нинг Марғилон туман бўлимидан олинган 25 миллион сўм кредит эвазига 25 метрли бассейнни ишга туширди. Аста-секинлик билан тренажёр, теннис майдонлари ташкил этилди. Кичикроқ чойхона тикланди. 50 ўринлик ҳаммом, 800 ўринга мўлжалланган «Турон» тўйхонаси аҳоли хизматида. Муҳими, коллеж битирувчиларидан 11 нафари иш билан таъминланди.

Турмуш ўртоғи Хонали Кенжабоев, фарзандлари Юлдуз, Жаҳонгир, Нигора, Фарҳоджон, келинлари Шаҳноза ва Фаридахон опанинг яқин кўмакчилари. Саъй-ҳаракатлар изсиз кетмайди, албатта. М.Кенжабоева Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси — 2015» танловининг республика босқичи ғолибаси бўлиб, 1-даражали диплом билан тақдирланди.

Атрофдагилар Мавлуда опани юрагида чўғи бор аёл дейишади. Бир сўз билан айтганда, меҳнатдан қочадиганлардан эмас. 1992 йилда Фарғона Политехника институтини тамомлагандан сўнг Марғилон шаҳрида турли лавозимларда ишлади. Ҳеч қачон қийинчиликлардан чўчимади. Унинг ҳаёт пиллапояларига боқиб, донишмандларнинг «Ирода бор ерда йўл ҳам бор», «Қатъият, улкан муҳаббат, энг асосийси эса, ишга диққат-эътибор ва холис адолат билан кўп нарсага эришса бўлади» деган фикрлари нақадар тўғрилигига беихтиёр ишончингиз ортади.

— Соғлом одамгина ҳаётнинг турфа гўзалликларини тўлалигича ҳис қила олади. Тоза ўй ва ниятлар саломатликка ижобий таъсир этиб, иммун тизимини мустаҳкамлайди. Яхши кайфият доимий ҳаракатланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Сузиш организмдаги барча тўқималарни ҳаракатга келтиради. Атрофдагиларнинг таклифи билан шу ишларни ташкил этдим. Одамлар саломатлиги — менинг орзуимдир, — дейди Мавлуда Кенжабоева.

Опанинг режалари кўп. Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Аёллар ва болалар» соғломлаштириш маркази, қумли волейбол майдони, гўзаллик салони, ёзги ва қишки сузиш ҳавзаси, фитобар, машиналарни ювиш шохобчаси, ошхона, тренажёр зали ташкил этиб, 21 та иш ўрни яратишни мақсад қилган.

Ҳа, аёл қўли билан дунёни тебратади. Қалб амри билан мўъжизалар яратади!

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Spartak Konsalting» МЧЖ Риэлторлик ташкилоти мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган «Ёпиқ аукцион» савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига Бухоро шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги 01-3530-сонли хатига асосан қуйидаги боғ ва узумзор ва улар жойлашган ер участкаларидан узоқ муддатли ижарага фойдаланиш ҳуқуқлари ёпиқ ким-ошди савдоларига қўйилмоқда.

1. Бухоро шаҳар "Отбозор" ҚФЙ ҳудудидан 1,5 гектар ер майдонида жойлашган 90 туп ток, 78 туп қароли ҳамда 120 туп гилос дарахтлари. Бошланғич қиймати — 1 677 225 сўм.

2. Бухоро шаҳар "Отбозор" ҚФЙ ҳудудидан 1,5 гектар ер майдонида жойлашган 860 туп узум ҳамда 60 туп олма дарахтлари. Бошланғич қиймати — 2 478 260 сўм.

3. Бухоро шаҳар "Отбозор" ҚФЙ ҳудудидан 3,2 гектар ер майдонида жойлашган 2300 туп узум дарахтлари. Бошланғич қиймати — 5 059 170 сўм.

Бухоро шаҳар ҳокимининг буюртма хатига асосан боғ-узумзорларни Ёпиқ ким-ошди савдосига қатнашадиган потенциал иштирокчилар рўйхати бўйича аризалар қабул қилинади ҳамда шу иштирокчилар ўртасида ўтказилиши таъминланади.

Аукцион савдоси 2016 йил 10 март куни соат 11:00 да Бухоро вилоят Давлат рақобат бошқармаси биносида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 9 март куни соат 18:00 да тўхтатилади. Мазкур ер участкалари 2016 йил 10 март куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдолари орқали сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 17-,24-, 31 март ва 7-,14 апрел кунлари соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида Бухоро вилоят Давлат рақобат бошқармаси биносида бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар бўйича буюртманоманларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо кунидан бир кун олдин (якшанба ва шанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига!

Савдога қўйилган боғ ва мевазорлар билан шаҳар ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Ёпиқ аукцион савдосига қатнашиш учун буюртманома, закалат келишуви, закалат пули тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома (нотариал тасдиқланган ишончнома жисмоний шахслар учун) тақдим этилади. Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманоманларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси талабларидан келиб чиқиб 4,1 гектардан иборат ер майдонда жойлашган боғ ва мевазор бўйича савдога фақат фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ёпиқ аукцион савдоларига қатнашишлари шарт. Аукцион савдоларига қатнашиши учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан боғ ва мевазорларнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «Spartak Konsalting» МЧЖ Риэлторлик ташкилотининг Бухоро шаҳар, Ипотека банк, Сардор филиалидаги МФО: 00119 СТИР: 302131286, ҳ/р: 20208000804942181001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. **«Spartak Konsalting» МЧЖ** Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. Телефон: 0 (365) 221-51-81. Лицензия: RR-0079.

Хизматлар лицензияланган.

Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси ташкилий ишлар бўйича мутахассис Хуршида Рашидовага падари бузруквори **КОМИЛ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ШОИРҒА ЭҲТИРОМ

Навоий шаҳар Ёшлар марказида мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб "Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг..." мавзусида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши ҳамда Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, ёшларни юксак маънавиятли, теран тафаккурли инсонлар этиб тарбиялашда шоир ижодининг беқиёс аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Талабалар шоир ғазалларидан намуналар ўқиди, унинг достонлари асосида саҳна кўринишлари намойиш этди. Тадбир доирасида тасвирий санъат кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар.

Маънавият бекати

Қадим мусиқа садолари

Бахшичилик — ўзбек мусиқа маданиятининг қадимий ва ўзига хос йўналишидир. Халқ достонларида элимиз тарихи, маданияти, тутумлари ўзгача жилвада бўй кўрсатади.

"OXUS Culture" ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат музейи ҳамкорлигида халқ оғзаки ижоди намуналарини сақлаш, шу билан бирга, келажак авлодга соф ҳолда етказиш мақсадида Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов иштирокида достон кечаси ташкиллаштирилди.

Ушбу кечада ўзбек халқ анъанавий достонларидан бўлмиш "Келиной" достони ижро этилди. Абдуназар бахши ижро дастуридан "Алпомиш" ва "Гўрўғли" достонлари туркумига кирувчи бир қанча достонлар, шунингдек, халқ қўшиқлари, термалар ўрин олди.

Бахши ижросидаги бир қанча достон ва қўшиқлар Ўзбекистон телерадиокомпанияси олтин фондидан ўрин олган бўлиб, мунтазам равишда эфирга узатиб келинмоқда.

Абдуназар бахши Поёнов Франция, Белгия, Швейцария, Тайван, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларида ўз ижодини намойиш этиб, ўзбек бахшичилик анъаналарини дунё халқлари орасида муносиб тарғиб қилиб келмоқда.

— У қуйлаган достонларда аждодларимиз ҳаёти, миллий анъана ва урф-одатларимиз, инсонийлик билан йўғрилган ўзбекона менталитетимиз, умуман, шу заминда яшаган халқлар тарихи, маданияти акс этган, — деди тадбир ташкилотчиларидан бири, "OXUS Culture" ташкилоти раҳбари Ҳуниддин Ато.

Бундай достон кечаларининг ташкил этилиши асрлар оша яшаб келаётган бой маданиятимизни кенг тарғиб қилишда, ёшларни миллий ватанпарварлик руҳида камол топтиришда муҳим қадамлардан бўлиб хизмат қилмоқда.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Зумрадойлар даврасида

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги "Истиқбол фарзандлари" номли 84-сонли мактабгача таълим муассасасида "Зумрадойлар даврасида" мавзусида очиқ машғулот ўтказилди.

Унда боғчанинг II тайёрлов гуруҳи кичкинтойлари кийиниш одоби, касбга оид кийимларнинг турлари, ҳар бир бола боғчага келганда кийимларини тартиб билан ечиш, ортиқча кийим-кечакларини шкафларга жойлаб қўйиш зарурлигини шеърий услубда баён қилишди.

Айниқса, Билмасвой образи орқали болажонлар либосларни тоза, озода сақлаши, ҳатто овқатланаётганда ҳам кийим-кечакларини доғ қилмай ораста тутиши зарурлигини ўрганиб олишди. Миллий ва замонавий либосларда саҳнага чиққан кичкинтойларнинг юриш-туриши, ўзларини тутиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Бола азиз, одоби ундан азиз, дейишади халқимиз. Кийинишда ҳам одоб, интизом, тартиб бор. Бу қоидаларни кичиклигидаёқ болажонларга ўргатиш, уйларида ҳам ушбу амалларга риоя қилиши кераклигини уқтириш тадбиримизнинг асосий мақсадидир. Биз бугунги машғулотни отаоналар, тарбияланувчи кичкинтойлар ва маҳалла ҳамкорлигида ташкил қилдик, — дейди гуруҳ тарбиячиси Нодира Ҳамидова.

Доим озода юрган, тоза кийинган бола биламизки, соғлом, руҳи тетик, кайфияти чоғ бўлади. Бундай кичкинтойларимизнинг эртанги куни ҳам нурли бўлиши, шубҳасиз.

Орзугул РУСТАМОВА, «Ishonch» мухбири.

Суратларда тадбирдан лавҳалар.

Навоий сабоқлари

Мир Алишер Навоий ҳазратларининг «Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил» мисраси билан бошланадиган ғазалини куйламаган ҳофиз, тингламаган ўзбек йўқ. Зукко олимлар ва билимдон шоирлар уни неча бор ихлос билан шарҳлаганлар. Сўзларга, сатрларга яширинган гўзалликларни қайта-қайта кашф этиб, ғазалга умрбоқийлик бахш этган сир-синоатлар хусусида фикр юритганлар. Модомики, шундай экан, ғазал ҳақида яна сўз юритишга эҳтиёж бормикин, деган савол туғилиши табиий. Чуқурроқ ўйланса, ҳазрат Навоийнинг ҳар бир асари бамисоли олмос, ҳар қиррасида ўзгача жило ва тароват мужассам. Синчиклаб ўқиш асноси олим-у фозиллар кўзидан яширин қолган янгидан янги қирраларига дуч келиш мумкин.

ОЛМОС ЖИЛОЛИ БАЙТ

Биз бугун бутун ғазал ҳақида эмас, биттагина байт ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ғазалнинг учинчи байтини ўқиймиз.

Таковарингга бағир қонидан хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Мумтоз адабиётимизда ошиқнинг маъшуқага ишқи жуда баланд пардаларда, гўзал ташбеҳларга, кутилмаган ўхшатишларга ўралган ҳолда изҳор этиб келинган. Юқоридаги байт ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шоир ёрига қарата «Ишқингда жигар-бағрим шу даражада эзилган, бурда-бурда бўлиб кетганки, уни йўрға отингнинг туёғига хино ўрнида боғласанг ҳам бўлаверади», деяпти. Ўзбекларда хино ўсмаган ҳовли, хино қўймаган аёлнинг ўзи йўқ. Тизза бўйи ўсадиган бу ўсимлик айни гуллаган пайтида узилиб, келида, ховончада обдан туйилади. Тунда, яъни ётар пайти кафтга, тирноқларга қўйилиб, латта билан яхшилаб боғланади-да, эрталаб ечилади. Қарабсизки, кафт қизғиш тусда, тирноқлар қизил. Хино одатда байрамлар, тўй-томошалар арафасида қўйилади. Шу тарзда хусн-тароват сари навбатдаги юриш қилинади.

Шоир ўзининг бағрини ўша янчилган, эзилган хинога ўхшатаяпти. Иккинчи мисрада эса «Ғам чекавериб чайир тортган жоннинг риштасини, яъни ипини итингнинг бўйнига тизимча қилсанг ҳам бўлаверади», деяпти. Бу ҳам ошиқнинг ёр ишқида чеккан азоб-у изтиробларининг беназир тафсифи, десак хато бўлмайди.

Гапни шу ерда тўхтатсак ҳам бўларди. Аммо, қайта-қайта ўқилган мисра бунга йўл бермайди. Хаёлни ошиқнинг дардидан бошқа тарафга, ошиқ ва маъшуқ яшаган замонга олиб кетади.

Маълумки, Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро салтанатида ҳам шоир, ҳам вазир сифатида шуҳрат қозонган. Шундай улуғ зотнинг севгилиси, ошиғи чорлаганда Ҳирот кўчаларини пойи-пиёда босиб ўтиши мумкинми ахир?! У албатта ўзидан-да гўзал бир уловда, яъни арғумоқда келиши керак. Бунинг учун эса моҳир чавандоз бўлиши лозим.

Шу ўринда олти юз йил наридаги аждодларимизнинг турмуш тарзини мушоҳада қилишга эҳтиёж сезилади. Шоир маъшуқасини отга миндирган бўлса, ўша замоннинг аёллари яхшигина суворий бўлишган экан-да. Бундан чиқадики, сафарга чиққан пайтда ўзлари отларда бемалол юришган ҳам.

Ана энди хаёл қочади: қадди сарвдай тик, чеҳралари ойдан-да гўзал бу соҳибжамоллар отга минганда қанақа кийинишган? Узангига қўйилган оёғидаги этикчани, эгнидаги чавандозбоп либосларни, бошидаги заифона бўркни тасаввур қилиш қийин. Нозик қўлдаги қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган қамчини ҳам кўз олдимизга келтира олмаймиз. Лекин, тасаввур қилишга, кўз олдимизга келтиришга мажбурмиз.

Чунки, буюк шоиримиз қаламга олгандан сўнг, маъшуқанинг отда юришида муболаға йўқ. Бу ўша даврнинг турмуш тарзидан олинган манзара. Шоирнинг нозик таъблигини қарангки, у севгилисига учар арғумоқни эмас, йўрға отни раво кўради. Маълумки, миниладиган отлар югурик, йўрға, йўртоққа бўлинади. Аёл кишига югурик тулпор тўғри келмайди, у жангчилар билан улоқчи чавандозларга керак. Йўртоқ от эса лўкиллайвериб, безор қилади. Маъшуқа эса оҳиста, пилдираб кетадиган йўрғага раво. Таковар, яъни йўрға от ғазалга шунинг учун киритилган.

Ажабланарлиси, олти аср наридаги маъшуқа худди Европадаги аслзода аёллардек ит ҳам етаклаб олган. Чунки у ошиғи ҳузурига ёлғиз бораяпти. Ёнида қўриқчиси бўлиши шарт. Бу — отга ёнма-ён чопиб бораётган садоқатли ити.

Навоий ҳазратларининг аксарият ғазаллари эзгин кайфиятда, нолали мисралар, ададсиз ўтинч ва ёлворишлар билан бошланади. Кўпинча мана шу сезимлар ўқувчини чалғитади. У ҳам ўша кайфиятлар гирдобига тушиб қолади.

Ҳолбуки, улуғ бобомизнинг асарларида кайфият баҳор ҳавосидай дамба-дам ўзгариб, кўнгил тубидаги турли ҳисларни жунбишга келтиради. Жиддият билан бошланган ғазални ўқисангиз, кўпинча учинчи ё тўртинчи байтларга келиб, шоирнинг пинагини бузмаган ҳолда, мийиғида кулаётганини сезиб қоламиз. Бу кулги қаҳқаҳага айланмайди, ним табассумлигича қолади.

Бунга ҳозир шарҳлаётган байтимизнинг ўзи ҳам мисол бўла олади.

Юқорида айтганимиздек, яхшилаб майдаланган хино қўлга қўйилганда устидан қалин қилиб латта ўралади. Акс ҳолда силқиб чиққан суви кўрпа-тўшакни бўяб ташлайди.

Шоир йўрғангнинг туёғига бағир қонидан хино боғла, деганда яна бир нарсани назарда тутаётгандай туюлади. Яъни, хино устидан латта боғланган туёқдан овоз чиқмайди. Ғам чекавериб, чайир тортган жон ипи эса ҳамроҳ бўлиб келаётган итнинг овоз чиқаришига, ҳуришига, имкон бермайди.

Демак, Навоий ҳазратлари ушбу байтда маъшуқасига ишқининг нечоғлик зўрлигини билдириш баробарида, бу ишқни асраш учун эҳтиёт чорасини кўриш ҳам зарар қилмаслигини уқтириб, унинг келганидан дўст-у душман бехабар қолгани маъқул демоқчидай туюлади. Бу гапнинг тагида чини билан ҳазил-мутойиба яширидир.

Буюк бобомизнинг мероси — тубсиз уммон, ўлчов билмас хазина. Ҳар бир мисраси устида соатлаб фикр юритиш, унинг замиридаги сирларни топиш ва бундан беҳад роҳатланиш мумкин. Шоирнинг ихлосмандларига ана шу саодатни тилаб қоламиз.

Бахтиёр РИЗАЕВ

Таассурот

Эртаклар оламига саёҳат

Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган, жаҳон ва юртимизнинг транспорт тарихи, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги ҳамда инсониятнинг буюк ихтиролари ҳақида маълумот берувчи Тошкент Политехника музейи ҳақида кўпчилик тасаввурга эга бўлмаса керак.

Пойтахтимизда илк автомобил қайси йилдан юра бошлаганини биласизми? Тош ғилдиракнинг қайси даврда кашф этилганини-чи? Ушбу саволларга жавобни шу ерда топасиз. Музей "Жаҳон автомобилсозлик тарихи", "Ўзбекистон автомобил соҳаси тарихи" ва "Интерактив амалиёт" бўлимларини ўз ичига олади.

"Folksvagen Qo'ng'iz", "Moskvich-400", Gaz-13, "Чайка" каби асрга тенгдош автомобиллар "Жаҳон автомобилсозлик тарихи" бўлимига кўрк бағишлаб турибди. Ушбу бўлимда нафақат ретро-автомобилларни, балки тош, ёғоч ғилдираклар, қишлоқ хўжалиги ускуналарини ҳам учратасиз. Ҳайбат билан қўр тўкиб турган мана бу тош ғилдирак 4000 минг йиллик тарихга эга бўлса, темир қопламали ёғоч ғилдирак эрамиздан аввалги 1200 йилларда ясалганидан ҳайратга тушасиз.



"Фордзон" (1924) ва "Универсал" (1934) каби илк трактор намуналари деҳқон меҳнатини анча енгиллаштириб, иш унумдорлигининг максимал даражада ошишига сабаб бўлган экан.

Автомобилсозлик юртимиз тарихидан олтин саҳифа бўлиб жой эгаллаган. Музей экспозициялари ўзбек автосаноатининг барча тарихий воқеа ва саналарини қамраб олган бўлиб, бу ерда "Ўзавтосаноат" акционерлик компанияси маҳсулотлари, Самарқанд, Андижон ва Хоразмдаги автокорхоналар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлишингиз мумкин. Фахр билан қайд этиш жоизки, фақат ушбу музейдагина муҳтарам Юртбошимизнинг дастхати туширилган автомобилларни кўришингиз мумкин. 3D Mapping show сизга "Spark" автомобили ҳақида қизиқарли видео маълумотларни тақдим этади.

"Интерфаол амалиёт" бўлими фан ва техника олами, математика, физика, астрономия ғаройиботлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу ердаги экспонатларни кўрибгина қолмай, ушлаш, улар иштирокида қизиқарли ўйинлар ташкил этиш имконияти мавжуд.

— Музейимиздаги ҳар бир экспонат аниқ фанларга, физика ва математика қоидаларига бўйсунади, — дейди музей ходимаси Адиба Қурбонова. — Мисол учун, болажонлар иллюзия хонасида ўзларини митти ва улкан қиёфада кўришса, кўзгули лабиринтдан чиқиш йўлини ахтариши, кўзгули китоб орқали зеҳнларини синаши мумкин. Кўзгули китобни икки томондаги тутқичидан ушлаб, аста-секин ёпиб, тавақалар орасидаги бурчакни камайтирсангиз, ундаги акс миқдори кўзгулар орасидаги бурчакларга боғлиқ бўлади. Кўзгулар орасидаги 360° нечтага тенг бўлинса, шунча марта кўришга муваффақ бўласиз. Агар кўзгуни 120° бурчак остида жойлаштирсак, предмет уч марта акс этади. Бири предметнинг ўзи бўлса, қолганлари унинг аксидир.

Рақсга тушувчи роботлар ҳам эътиборимизни тортди. Улар Жанубий Кореядан олиб келинган ҳамда ўзбек олимлари томонидан дастурлаштирилган экан. Ушбу митти роботлар ташқи олам ҳақида датчиклар орқали маълумот олиб, инсон ёки бошқа жонзотларга хос ҳар хил ҳаракатларни мустақил бажара олишади.

Музейнинг болалар майдончаси — эртаклар шаҳарчасининг ўзгинаси. Бу ерда болакайлар рангли тўплар қуршовида сузиши, машина ва мотоциклда сайр қилиши, мултқаҳрамонлар билан саёҳатга чиқиши, хуллас, мириқиб ҳордиқ чиқариши мумкин. Шунингдек, бир ҳафтага мўлжалланган дастур орқали фарзандингизга математика, чизмачилик, табиатшунослик фанлари билан шуғулланиши учун имконият яратиб берилади.

Минг бор эшитгандан, бир бора кўрган афзал, деганларидек, сиз ҳам фарзандингизни эртаклар шаҳарчасига олиб келишингизни тавсия қиламиз. Аминмизки, кетган вақтингиз ва сарфингизга ачинмайсиз.

Давронбек ОРИПОВ, «Ishonch» мухбири

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 20:40
Topshirildi — 21:10
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 215.
21792 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133